

МИЛЛИЙ КИНОДАГИ ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШЛАР: ТАМОЙИЛ ВА ЮТУҚЛАР

Авазхон Бахадирович Таджиханов
Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги

Аннотация: Миллий кино санъати миллатимизнинг бошқа жабҳалари сингари мудом изланиш, ривожланиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Бу изланишлар самараси турли мазмунли киноасарлар тимсолида бўй кўрсатади. Кино санъатида сценарий ва режиссура яратилган асарлар ва уларнинг томошабинбоплиги ҳақидаги фикрлар ушбу мақолада эътиборга олинади.

Калит сўзлар: кино, сценарий, режиссёр, экран, асар, оператор, кинематография, актёр, санъат

CREATIVE RESEARCH IN DOMESTIC CINEMA: PRINCIPLES AND ACHIEVEMENTS

Avazkhan Bahadirovich Tadjihanov
Ministry of Culture of the Republic of Uzbekistan

Abstract: National cinematography, like other aspects of our nation's life, is in the process of continuous research and development. The results of these studies are shown in the form of films of various content. This article focuses on scripts and directors' works and their audience in cinematography.

Keywords: Film, script, director, screen, work, cameraman, camera work, actor, art.

КИРИШ

Агар биз аждодларимиз хотирасини улуғламоқчи, шу асосда ўзбек номини, Ўзбекистон номини бутун дунёга тараннум этмоқчи эканмиз, шу ишни биринчи навбатда кино санъати орқали амалга оширишимиз керак. Айнан кино санъати орқали жаҳон экранларини забт этишимиз, шу йўл билан дунё аҳлининг диққат-эътиборини қозонишимиз мумкин. Ш.М.Мирзиёев

УСУЛЛАР

Ўзбек кино санъати турли услуб ва ранг-баранглиги билан ўзининг бой меросига эга. Миллий кино санъати пайдо бўлган XX-аср бошларидан тортиб то бугунги кунга қадар турли босқич, турли даврларни бошдан кечирди. Ҳар бир давр ҳар бир босқич ўзининг ютуқ - камчиликлари, юксалиш ва эврилишлари билан ўзига ҳос аҳамият касб этади.

2017-йил 7-августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори имзоланди. Қарор 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга асосланиб, халқимиз, аввало, ёшлар онгига миллий истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий кадриятларга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини сингдиришда катта таъсир кучига эга бўлган кино санъатининг ролини ошириш, “Ўзбеккино” Миллий Агентлигининг фаолиятини такомиллаштириш чораларига алоҳида эътибор бериш таъкидлаб ўтилган.

Натижада миллий киноларимизни яратишга бўлган талаб янада кучайди. Бу эса кино соҳасида янги давр, хусусий киностудиялар кўпайишига замин яратди. Шу орқали ижодий рақобат вужудга келиб, кино олами сезиларли даражада юксала бошлади.

Шу билан бирга кинематографиянинг асосий ўзаги бўлган кинодраматургия соҳасига талаб ҳам кучайди. Унда ҳаққоний ва ҳаётий долзарб муаммолар, кўпчиликни ўйга солаётган воқеаларни ақс эттириш асосий талаблардан бирига айланди. Киши руҳияти тушкун вазиятга тушганда баъзан фильмлар орқали йўл қидиради. Шу каби инсон руҳий ҳолати ва ҳатти-ҳаракатлари, хулқ-атвори характерини очиб берувчи образ яратиш кинодраматурглар учун навбатдаги вазифа сифатида қарала бошланди.

НАТИЖАЛАР ВА МУНОЗАРА

“Ўзбек киносининг бадиий яхлитлиги хусусида фикрлай туриб, аввало, сценарийнавис ва режиссёр ҳамкорлиги ва шу мезон асосидаги тенденцияҳақида мулоҳаза юритиш мақсадга мувофиқ саналади. Зеро, “қоғоздаги муаллиф дарди билан сахнада жонланган режиссёр дарди ҳамоҳанг бўлиб, уйғунлашиб кетса, маслак бир жойдан чиқса, асар муваффақияти, узоқ умр кўриши шундан бўлади”¹. Миллий кино санъатини юксалтириш, сон ва салмоқ жиҳатидан пухта фильмлар яратиш, мазкур соҳа ривожини таъминлайдиган зарурий чора-тадбирлар устида иш олиб бориш муҳим ва устувор вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Шуни айтиш ўринли албатта, Миллий адабиётимиздаги “Алишер Навоий”, “Тоҳир ва Зухра”, “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Шум бола” сингари асарларнинг экран талқинларига нисбатан эътибор билан айтиш мумкин. Гап уларнинг қайси даврда яратилгани ёки қайси халққа мансублигида эмас, балки қандай хусусият уларни адабиёт ёки кино сифатида ажратиб туришида. Нега асардан кўра фильм кўп ҳолларда оммалашиб кетади, нега аксар томошабинлар кино маҳсулотини яхши эсда сақлаб қолишган?. Мана шу нуқтада киносининг

¹Муҳамедов М. Режиссура асослари. – Т.: ЎзДСМИ, 2008. - Б.10.

адабиётдан фарқи аён бўлади. Сабаби эса жуда оддий: кинонинг шундай ноёб “қуроли” мавжудки, у адабиётда йўқ. Бу кўримлилик, яъни тасвирдир.

Чунки “томошабинга биринчи навбатда фильмнинг кўримли жиҳати - тасвирий ечими таъсир этади. Агар фильмнинг тасвирий ечими баён тарзидан нарига ўтмаса, бу савияси ўртамиёна ленталардир. Шу сабабли замонавий томошабин уни унча хушламай қабул қилади”²-дейди киношунос Ҳанжара Абулқосимова. Ҳақиқатдан томоша қилаётган фильм таъсир кучида тасвир, актёр ижроси айниқса сценарий кучи режиссёр маҳоратида юзага чиқарилади. Бугунги кунда шу соҳани ривожлантириш учун санъатшунос ва киношуносларнинг ўрни каттадир. Санъат оламида ўз ўрнига эга бўлган машҳур актёр, режиссёр, кинодраматургларни алоҳида эътиборли касб саналади.

Ўзбек киносида С.Абдулла, И.Султон, Т.Тўла, А.Рамазонов, Р.Файзий, М.Шайхзода, А.Михалков-Кончаловский, С.Муҳамедов, Ў.Умарбеков, Р.Муҳаммаджонов, Э.Акопов, Ш.Бошбеков, М.Тўйчиев сингари муаллифлар ижодий ҳамкорлиги қанчалик ижобий натижа берганлигига яратилган фильмларда нафақат кечаги кун, балки бугун, керак бўлса эртага ҳам ғоя ва мавзуси жиҳатидан ўз аҳамиятини йўқотмайдиган жиҳатлар қаламга олинган. “Тоҳир ва Зухра” кино соҳасида ҳам йирик муваффақият қозонган. Соҳада ўзбек халқ эртак, афсоналарига, тарихий шахс ва воқеаларга мурожаат ўзбек киноматографиясини бойитиб берди.

“Алишер Навоий” бадиий фильми нафақат ўзбек, балки, туркий халқлар тарихий қаҳрамони, ғазал мукининг султони Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган юксак бадиий ифода топган кино асар сифатида тарихда муҳрланди. 1967 йили режиссёр Йўлдош Аъзамов томонидан ўзбек романчилиги асосчиси Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асари асосида фильм суратга олиниши эса асрларга татигулик ўзбекнинг шоҳ асарига айланди. Айтиш жоизки, “Ўткан кунлар” фильми ҳам ўзбек кино санъатида миллийлик унсурларига ишора тарзида ноёб ҳодиса сифатида намоён бўлган. Асар воқеаларида соф муҳаббат, ўзбекона ибод, андиша, садоқат каби хислат-фазилятларни экраннинг ёрқин бўёқларида ифода этилгани билан томошабини бугунгача экранга муҳрлай олади. Ўзбекнинг тарбиявий аҳамияти катта кинофильми экани ғурурлантиради.

Биз албатта ўзбек киноси ҳақида фикр билдирганимизда, режиссурада ўзбек кино мактабига ўз ижодий фаолияти билан катта ҳисса қўшган Шухрат Аббосов номини алоҳида тилга олишимиз ўринли. Режиссёрнинг “Маҳаллада дув-дув гап” фильмида халқоналик янада чуқурроқ ва теран воқеа, ифодалар

²Абулқосимова Х. Кино санъати асослари. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2009. - Б.32.

асосида очиб берилган. Бундан ташқари фильмда давр ва халқ ижтимоий турмуш тарзидаги муаммоларга ҳам нозик ишора мавжуд.

Маълумки, фильмдаги воқеалар шаҳардаги улкан қурилишлар жараёнида туғилиб, ривожланиб, яқун топади. Эски, пастқам уйлар, бинолар оммавий равишда бузилиб, ўрнига кўп қаватли, замонавий бинолар қурилаётган бир паллада фильмда катта ёшдаги “эски замон” вакиллари билан янги давр ёшлари ўртасида конфликт - қарама-қаршилик бунёдга келади. Фильмда ёши катта инсонлар фикрига кўра, ёшлар миллий қадрият ва урф-одатларга назар-писанд қилмайди. Замон ёшлари қарашларида эса халқнинг кўпгина одат ва анъаналарига ўзгартириш киритиш лозим. Уларнинг таъбирига кўра, замон шунини талаб қилади.

“Маҳаллада дув-дув гап” фильми режиссёри Шухрат Аббосов ва фильм ижодкорлари ана шундай рамзий ва азалий, ижтимоий зиддиятни ғоят усталик билан ривожлантириб, оқибатда унга гўзал ва ўзига хос яқун ясайдилар. Яъни, ҳар қандай давр ва замонда ҳам эски ва янги авлод ўртасида зиддият туғилиб келган. Бу азалий мавзу. Ана шу қарама-қаршилик “Маҳаллада дув-дув гап” фильмида ҳам юзага келиб, ҳар икки авлод вакиллари бирдамликдаги “ярашувлари” билан тугайди. Бу каби фильмлар омадли ижод маҳсули сифатида ёрқин саҳифа кашф этди.

Истиқлол даврининг дастлабки йилларида кино санъати турли даврлар, турли жараёнлар, ранг-баранг мавзуларнинг ҳилма-хиллиги билан ўзбек кино тарихида ўзига хос аҳамият касб этди. Бу жараёнда жанр ва мавзу, йўналишлар миллий ва халқона тарзда шаклланиб, ривож топа бошланган. Бу борада, кино соҳасидаги қатор ривожланиш жараёнлари билан бир қаторда, айрим муаммо ва камчиликларни ҳам эътироф этишимиз ўринли бўлган. Масалан “Ўзбеккино” Миллий агентлиги томонидан намойиш этилган айрим фильмлар намойиш қилинганда томоша залларида томошабинлар сонининг камлиги, кинодраматургиянинг секин суръатда ривожлангани, аксарият фильмлардаги жанр ва мавзуларнинг бир-бирига жуда ўхшаш эканлиги, драматургиянинг саёзлиги, фильмларда илгари сурилган ғояларнинг муҳим аҳамият касб этмаслиги, кинодраматургик асарнинг етарли даражада тасвирий бадиий ечим топа олмаслиги каби залворли муаммолар кузатилган.

2000-йиллардан кейин киномайдонга Хилол Насимов, Ёлқин Тўйчиев, Аюб Шаҳобиддинов каби киноижодкорларнинг кириб келиши билан киномайдондаги жиддий, залворли мавзуларга қўл уриш жараёни бевосита уларнинг ижодида ҳам кўзга ташлангани билан ўз муҳлисларига эгаллиги кузатилган. Режиссёрлик топилмалари, омадли ижодий ёндошувлар тўғайли фильмлар ғояси аниқ ва таъсирли ифода топишига хизмат қилган.

Кинорежиссёр Хилол Насимов фильмларини ҳам мисол қилиш ўринлидир. “Алданган аёл”, “Тубанлик”, “Одноклассники”, “Гумроҳлар” ва “Ажал жодуси” каби фильмларида қаҳрамон характерининг таъсир кучи бутун фильм давомида томошабинни сеҳрлайди. Фильм ҳақида мулоҳаза қилинадиган бўлсак, фильм жамиятда учрайдиган оғриқли нуқталарни ўз ичига олган мазмунан теран, мушоҳадага бойлиги барчамизни эътиборимизни тортиб келмоқда. Дунёда кучайиб бораётган диний - экстремистик оқимларнинг чангалига фуқораларимизнинг тушиб қолмасликлари учун, кинематографиянинг ҳам бу жараёнда маъсулияти катта. Доим телеэкран орқали намойиш этиладиган “Алданган аёл” фильмида терроризм ва одам савдосининг авж олиши тинч ва осуда ҳаётнинг кадрига етиш асосий масала экани қаҳрамон қиз Моҳира орқали кўрсатилади. Режиссёр усталик билан ҳар бир деталб ҳар бир кадрга аҳамият бергани доим томошабинни сергакликка чорлайди. Ҳар бир қаҳрамонда дард, ички характер ва айта оладиган сўзи бор. Чунки қаҳрамонлар характери ўта таъсирли, қутилмаган жараёнларда акс этади. Хилол Насимов сценарий ёзиш жараёнида жуда эътибор билан сценарийга қўл ургани, унинг таъсир кучини оширишда қаҳрамонлар диалогларига алоҳида эътибор қаратган. Бу эса томошабинни огоҳ бўлишга ундайди. Фильм воқеаларини томоша қила туриб, бу воқеалар ҳар биримизнинг бошимизга тушиши мумкинлиги ҳаёлимиздан бир зумда ўтади. Актёрлар характери ҳар бир қаҳрамон ички дунёсидан келиб чиқиб ижро этилган. Фильмда Амир Абу Бакрнинг: “Ҳижрат сўзини ҳамма эсдан чиқарсин, бундан буён жиҳод ва шаҳид сўзларини қулоғингизга қуюб олинг” деган сўзларидан кейин Моҳира ўз хатосини тушуниб етгани қувонарли хол албатта. Томошабин ҳар томонлама адашган аёлга ачинади, унинг айбсизлигига ишонгиси келади, мудҳиш, жирканч қулликдаги ҳаётдан ғазабланади. Фильм охирида шунча азобларни бошидан кечириб, Ватан олдидаги жиноятига яраша жазосини тортиб қамоқхонадан чиққан Моҳиранинг ҳаёти нима бўлишини томошабин диққат билан кузатади. Ўз хатосидан, қилмишларидан пушаймон бўлган Моҳира Ватани учун, оиласи учун энди бегонадек минг пушаймонлар билан кўз ёшини тўкиб ёлғиз қолади. Режиссёр Моҳира тимсолида кўплаб алданган аёлларни, оиласидан ажралган қисмат қурбонларини мисол қилади. Ушбу фильмда ҳам режиссёр нафақат аёлларни балки бутун халқни огоҳликка чорлайди.

Биз Аюб Шаҳобиддинов режиссураси унинг ижодининг ўзига хослигини алоҳида таърифлашимиз ўринли. Унинг “Ўтов” фильми чуқур ғоявий мазмунни ўз ичига олади. Фильм бош қаҳрамони Убайдуллоҳ собиқ Совет Иттифоқи тузумидан “панд еган”. Тузум унинг аввал ота-онасидан, кейин аёлидан айиргани қисмати эди. Ҳаётда топгани ягона ўғли билан қолади. Шунинг учун ҳам у одамлардан, жамиятдан узокроққа, тоғу-тошларга чиқиб, ўша ерга ўтов

тикади. Ва ўтовда кун кечира бошлайди. Якка-ю ёлғиз ўғлини ўз панд еган тузумдан асрашга интилади. Ягона ўғли, кейинчалик эса аёли ва кичик қизалоғи унинг ҳаёти мазмунига айлангани аччиқ қисматини намоён этади.

Ўзбекнинг тарбиявий аҳамияти кенг кексаларни асраш уларга ғамхўрлик қилиш кўплаб фильмларда учрайди. “Чол ва набира” фильми комедия жанрида яратилган бўлишига қарамасдан, ўткир психологик вазиятлар, драматик ҳолатларга бойлиги билан эътиборни ўзига тортади. Бойликка эришиш мақсадидаги Отанинг қилмишлари, оиласидан хабар олмаслиги, фарзандлар тақдири ҳамда оиланинг боши бўлган Отанинг кулги аралаш ичидаги дарди кичкина невараси муттасил равишда кўчама-кўча турли сабабларга кўра йўлда юришади. Бир қарашда чол набираларининг муаммоларини ҳал қилиб бериши керакдек. Бироқ набираси билан суҳбатлар асосида чол ҳам неварасидан кўп нарсаларни ўрганади. Ҳатто, кичкина ёш бола чолнинг қалбида кечаётган, уни қийнаётган муаммоларни ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди. Бу каби комедияларда кулгининг асосий қуроли сўзга, фикрий зукколикка қурилган бўлади. Сценаристдан талаб қилинадиган жиҳат эса, ўткир заковатга йўғрилган фикрни ўз ўрнида, қисқа, лўнда жумлалар билан ифода этишдан иборат.

Фильмда муаллиф чолнинг характерини ўзига хос зиддиятда ифода этган. У кўринишидан жаҳлдор, тунд, доим норози кайфиятда кўрсатилган. Гапирганда ҳам кўрс, суҳбатдошининг кўнглидан, табиати ва кайфиятидан келиб чиқиб эмас, балки масаланинг моҳиятидан, ҳақиқат нуқтаи назаридан келиб чиқиб гапиради. Одатда, жамиятда кишиларнинг кўнглига қараб сўзлайдиган, хушмуамола, бировга зинҳор қаттиқ сўзламайдиган кишилар “яхши одам” ҳисобланади. Бироқ, ушбу комедиянинг ўзига хослиги шундаки, режиссёр мана шу “ёмон одам” образи орқали жамиятда шаклланган барча тушунчалар ҳам тўғри эмаслигини, ҳақиқий виждонли одам бунчалик юввош ва ҳилим бўла олмаслигини кўрсатиб беришга интилгандек гўё.

Болалигимиздан ролларини мириқиб томоша қиладиган актёримиз Ўзбекистон халқ артисти Пўлат Саидқосимов қаҳрамонини жуда камгап, ўйчан тарзда ифода этган. Фильмдаги ўзбек халқининг танти халқи, миллий ўзига хос жиҳатлари томошабинни ўзлиги, танти ва халоллиги хурсанд қилади. Шу каби фильмлар ёқимли ва томошабинбоплиги эътиборли албатта.

ХУЛОСА

Маълумки, санъат, хусусан кино санъати халқ маънавияти, ёшлар онгининг шаклланишида муҳим ўрин тутади. Ана шу жиҳатдан ҳам киноижодкорлар зиммасига улкан маъсулият юкланади. Ўз навбатида юксак маънавият, қадриятларга, бой тарихий анъаналарга, аллома аждодларга эга халқимиз учун санъат асарлари яратиш икки хисса маъсулиятлидир. Таъбир жоиз бўлса, бугунги кунда миллий кино санъати иждодкорлари елкаларидаги ана

шу маъсулиятни хис қилган ҳолда киномайдонда шахдам қадамлар билан ижод этмоқдалар. Миллий кино эса доимо интилиш, излани ва рақобат эпкинида мудом юқорига интилиб, ривож топмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдусаматов Ҳ. Драма назарияси. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2000;
2. Абулқосимова Х. Кинотеледраматургия асослари. - Т.: ЎзДСМИ, 2009;
3. Абулқосимова Х. Кино санъати асослари. - Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2009;
4. Муҳамедов М. Режиссура асослари. - Т.: ЎзДСМИ, 2008. - Б.10.
5. Ризаев Ш. Изтироб санъати. - Т.: Янги аср авлоди, 2013;
6. Акбаров Ҳ. Кинонинг оловли йўллари // Тафаккур, 2001, 2-сон;